

БАХТИЁР САНГИЛОВ,
СИРОЖИДДИН ЗАЙНИДДИНОВ

РУСЧА ТИББИЙ
ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

*Ўрта тиббиёт ходимлари
учун қўлланма*

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

УЎК: 51(038)

КБК: 56.6

92

Т – 46

Русча тиббий терминларнинг ўзбекча изоҳли луғати / тузувчилар Б.Сангилов, С.Зайниддинов. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 132 бет.

ISBN 978-9943-27-340-5

Ўрта тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган ушбу қўлланмада соҳа вакиллари кундалик меҳнат фаолиятларида рўбару келадиган сўз ва терминлар жамланди. Мутахассислар томонидан келтирилган изоҳлар тиббиёт ходимлари учун дастуриламал, бўлади деган умиддамиз.

УЎК: 51(038)

КБК: 56.6

92

ISBN 978-9943-27-340-5

© Б.Сангилов, С.Зайниддинов. «Русча тиббий терминларнинг ўзбекча изоҳли луғати», «Янги аср авлоди», 2014 йил.

СЎЗБОШИ

Бугунги кунда тиббиёт жуда тез ривожланаётган бир қатор фанларнинг мураккаб мажмуидан иборатдир.

Тиббиётнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган аксарият илмий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар асосан рус ва хорижий тилларда бўлиб, бундай китоблардаги махсус терминлардан ўрта тиббий ходимларнинг фойдаланишида бир қатор қийинчиликлар мавжуд.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши муносабати билан муаллифлар ўрта тиббий ходимлар учун тиббиёт соҳасида хорижий тиллардан олинган терминларни миллийлаштиришга ҳаракат қилганлар. Китоб фақат терминларнинг маъносини очиш билан чегараланмай, балки луғат изоҳ элементлари билан бойитилган.

Тиббиёт луғатларида ҳам «атама», ҳам «термин» тушунчалари ишлатилмоқда. «**Атама**» тушунчасини асосан, жисм, тушунча, нарсалар, уй-жойлар ва бошқаларни ифодалаш учун, «**Термин**» тушунчасини эса фан, техника, сиёсат, маданият, санъат, фалсафа, ҳуқуқ, дипломатия, тиббиёт, тижорат, банк ва молияга оид ҳамда бошқа соҳалардаги махсус тушунчалар, морфологик тузилмалар, кимёвий бирикмалар, препаратларни ифодалаш учун қўллаш тўғри бўлади.

Бу луғатни тузишда муаллифлар томонидан республика-миз ва чет элларда чоп этилган тиббиётга оид қўлланмалар, дарсликлар, илмий китоблар ва маълумотлардан фойдаланиб, улардан ўрта тиббий ходимларнинг кундалик иш жараёнида кўп учрайдиган ва энг кўп ишлатадиган терминлар танлаб олинган.

Ушбу тиббий терминларнинг изоҳли луғати ўрта тиббий ходимларимизнинг билим савияларини оширишида ҳақиқий дастуриламал бўлиб қолади, деб ният қиламан.

Б.Х. ТУРСУНОВ,

Тиббиёт фанлари номзоди, профессор

А

АБАЗИЯ (*a... + гр. basis – ходба*) – юриш қобилиятини йўқотиш, ш.ж. асаб тизими касалликларида. Беморнинг мутлақо юраолмай, ҳатто тик тура олмай қолиши. Унинг оёқлари фалаж бўлмаса-да, мувозанатни сақлай ва умуман ўзини эплай олмайди.

АБАКТЕРИАЛ – бактериясиз, бактериядан холи бўлган, стерил, тоза.

АБАС – фойдасиз, беҳуда, бекорга.

АМБУЛАТОРИЯ – даволаниш учун қатнай оладиган ва уйда ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси.

АБДОМИНАЛ (<*лат. abdomen – живот*) – қоринга оид; қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар.

АБДУКЦИЯ – *четлатиш* – тананинг ўрта чизигидан четга (латерал томонга) йўналган ҳаракати, қўл-оёқни танадан узоқлаштириш.

АБЕРРАЦИЯ – нормал ҳолатдан, одатдаги кўринишдан, тузилишдан бошқачароқ бўлиш, ўзгачалик.

АБОРТ (*лат. abortus-выкидыш*) – ҳомилани биринчи 28 ҳафтасигача ўз-ўзидан тўхташи ёки сунъий тўхтатиш, бола ташлаш, бола олдириш.

АБОРТИВ – тез ўтиш, авж олмаслик.

АБОРТИВНОЕ ТЕЧЕНИЕ БОЛЕЗНИ (<*лат. abortivus – прежде времени родившийся, недоношенный*) – касалликни энгил кечиши. Касалликнинг ҳамма аломатлари – белгилари юз бермасдан тездан тамомланиши.

АБРАЗИЯ (<*лат. abrasio – соскабливание*) – ҳар хил бўшлиқларни даволаш ва диагностика мақсадида қириш.

АБСАНС – қисқа муддат ҳушдан кетиб, ўзини билмай қолиш, эснинг кирар-чиқар бўлиб туриши.

АБСТИНЕНЦИЯ – хумор қилиш; хуморилик.

АБСОРБЦИЯ – ютиш, суриш, сингдириш.

АБСЦЕСС – *ҳўтпоз* – турли органларда бўладиган юққа капсула билан чегараланган йирингли бўшлиқ.

АБСЦЕСС БРОДИ – *Броди абсцесси* – узун найсимон суякларнинг уч қисмидаги чегараси аниқ абсцесс. Остеомиелит касаллигида учрайди.

АБУЛИЯ – кишининг ҳафсаласиз бўлиб қолиши, фаолиятга рағбат йўқолиши (иродасизлик); руҳий касалликларга хос.

АВТОКЛАВ (*авто... + лат. clavis – ключ*) – юқори босимда иситиш учун зич ёпиладиган идиш, сув буғи таъсири босими остида ишлайдиган қозон.

АГАР – қизил сув ўтларининг ҳужайралари пўстида пайдо бўладиган икки нордон полисахарид аралашмаси. Иссиқ сувда эрийди, совутилганда қотади.

АГЕНЕЗИЯ – аплазия – ривожланиш нуқсони.

АГГЛЮТИНАЦИЯ – ёпишувчанлик – суюқликда антиген заррачалар (мас.: эритроцит, бактерия, лейкоцит ва бошқа турли ҳужайра)нинг, шунингдек, антигенлар ёпишган ҳар қандай инерт зарраларнинг аглютининлар таъсирида бири-бирига ёпишиб ва агрегатлар ҳосил қилиб чўкмага тушиши, чўкиш ҳодисаси.

АГГЛЮТИНИН – қон таркибида ҳосил бўлувчи оқсил табиатли моддалар. Парчалар шаклидаги ва эриган ҳолдаги эритроцитлар ёки инерт материал томонидан шимилган антигенларни танлаб, бир-бирига ёпиштириб чўктирадиган қон таркибидаги махсус оқсиллар туркуми.

АГГЛЮТИНОГЕН – аглютинация реакциясида қатнашадиган антиген. Агглютиногенларга бошқаларга нисбатан ётлик, ўзига хослик, специфик ва иммуногенлик хусусияти мансуб.

АГГРАВАЦИЯ – касаллик ҳолатини ошириб кўрсатиш, касаллик белгиларини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиш.

АГНОЗИЯ (< a... + гр. *gnosis* – знание, познание) – буюм, нарсаларни танимоқ, билмоқ жараёнининг бузилиши; фаҳмлаш, билиш қобилиятининг меъёрда бўлмаслиги.

АГОНИЯ (< a... + гр. *gonia* – борьба) – ўлим талвасаси, ўлим азоби, жонталаш. Клиник ўлимдан аввалги терминал ҳолат.

АДАКТИЛИЯ – бармоқларнинг туғма йўқлиги.

АДАПТАЦИЯ – ташқи шароитга мослашиш, ўрганиш, ўзлашиш, уйғунланиш.

АДДУКЦИЯ – қўл ва оёқни танага яқинлаштириш.

АДЕНЭКТОМИЯ – безни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш.

АДЕНИТ – лимфа безини яллиғланиши.

АДЕНОИДЫ – бурун ва ҳалқум лимфатик тугунларни гиперплазияси.

АДЕНОМА – без тўқималарида вужудга келган ўсма.

АДИНАМИЯ – қувватсизлик, бедармонлик.

АДНЕКСИТ – бачадон қўшимчалари (фаллопий найи билан тухумдон ортиқлари)нинг яллиғланиши.

АДСОРБЕНТ – адсорбциялаш (*ютиш, суриш, шимиб олиш*) қобилиятига эга бўлган модда.

АДСОРБЦИЯ – модда заррачаларининг иккинчи модданинг устки ёки юза қатламига сингиш жараёни.

АЗООСПЕРМИЯ – эркак уруғ суюқлигида сперматозоидлар (уруғ ҳужайраларининг) бўлмаслиги.

АКИНЕЗИЯ – ҳаракатларнинг йўқолиши, қимирлай олмаслик.

АКИНОСПЕРМИЯ – уруғнинг шаҳватда (спермада) ҳаракатсизлиги.

АКМЕ – чўққи – ҳароратнинг энг баланд нуқтаси, касаллик чўққиси.

АКОРИЯ – бўлимиа – тўйганликни билмаслик.

АКРАТИЯ – куч-қувватнинг йўқолиши, ҳолдан тойиш.

АКРОАЛГИЯ – оёқ-қўлларда оғриқ хуружи.

АКРОТИЗМ – ушлаб кўрилганда томир уришининг сезилмаслиги ёки унинг йўқлиги.

АКРОТУРЕЗ – қовуқ атонияси туфайли сия олмаслик.

АКРОЦИАНОЗ – капилляр қон айланишининг бузилиши натижасида периферик органлар терисининг, қулоқ, бурун, лаб-лунж, қўл-оёқ кўкариши.

АКТИВИРОВАННЫЙ УГОЛ – фаоллаштирилган кўмир – адсорбцияланувчи моддаларни жадал шимиб олиш хусусиятига эга дори.

АКУПУНКТУРА – игна сачиб даволаш усули.

АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ – хотин-қизлар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш билан шуғулланадиган мутахассис, врач.

АКЦЕЛЕРАЦИЯ – акселерация болалар ҳамда ўсмирлар ўсиши ҳамда жисмоний ривожланишининг тезлашиши.

АЛАЛИЯ – талаффуз қила олмаслик.

АЛГЕЗИЯ – оғриқни сезиш хусусиятининг бузилиши (*гипертезия – зўрайиши, гипостезия – сусайиши*).

АЛЕМИЯ – ўқий олмаслик.

АЛЛЕРГЕН – аллергияга сабаб бўладиган антиген хусусиятига эга модда.

АЛЛЕРГИЧЕСКАЯ РЕАКЦИЯ – организмнинг аллергенга нисбатан сезувчанлиги ортиши клиник белгиларининг умумий номи.

АЛЛЕРГИЯ – махсус аллерген таъсирида шу аллергенга нисбатан организм сезувчанлигининг ортиши.

АЛЛОПЛАСТИКА – одам танасининг жароҳатланган, шикастланган жойларини узга тўқималар ва ёт материаллар билан бутлаш, пластика қилиш.

АЛЛОРИТМИЯ – пульснинг ўзгариши, томирнинг бир текис урмаслиги.

АЛЬТЕРНАТИВА – (*франц. alternative. лот. тилида alter – иккидан биттаси*) – икки ёки бир неча имкониятдан биттасини (зарурини, кераклигини) танлаш.

АЛЬБУМИН – сувда эрийдиган содда оқсиллар туркуми (қон зардобининг альбумини – донорлардан олинган альбуминнинг стерил эритмаси).

АЛЬБУМИНУРИЯ – (*протешурия*) – сийдикда оқсил пайдо бўлиши. Буйрак фаолиятининг бузилганлигини кўрсади.

АЛЬВЕОЛА – кичик чуқурча, ўйиқ (мас.: тиш катакчаси, ўпка пуфакчаси) – ўпкадаги микроскопик пуфакчалар бўлиб, улар девори жуда майда қон томирчалари – капилларлар билан ўралган.

АМБИДЕКСТРИЯ – икки ўнг қўллик (ҳар иккала қўл билан бир хил иш қила олиш қобилияти).

АМБУЛАТОРИЯ – касалхонадан ташқари даволаш ва профилактика ёрдами кўрсатадиган тиббий муассаса.

АМНОРЕЯ – ҳайз кўрмаслик.

АМНЦИЯ – ақлсизлик, тентаклик, телбалик.

АМНЕЗИЯ – хотиранинг бузилганлиги, илгари бўлиб ўтган ҳодисаларини эсдан чиқариш хусусияти.

АМПУТАЦИЯ – бирорта органнинг, кўпинча қўл, оёқ ёки бармоқларнинг узилиб тушиши ёхуд операция йўли билан кесиб ташлаши.

АНАБИОЗ – яшаш шароитининг ўзгариши натижа-сида организмларда ҳаёт фаолиятининг тўхташи, қарахт бўлиши.

АНАБОЛИЗМ – (*ассимиляция*) – тирик организмларда ҳужайра ёки тўқима қисмларининг янгиланиши ва ҳосил бўлишига олиб келадиган кимёвий жараёнлар.

АНАЛЕПТИКИ – нерв системасини стимуляция қилувчи (*қўзғатувчи*) моддалар.

АНАЛИЗ – таҳлил – мураккаб, бир бутун нарсани таркибий элементларга ажратиш.

АНАЛЬГЕТИКИ – оғриқ сезишни йўқотадиган ёки пазайтирадиган дори воситалари.

АНАМНЕЗ – беморнинг ҳаёт шароити ва касаллик тарихи ҳақида сўраб тўпланадиган маълумотлар.

АНАСАРКА – истисқо – тери ва тери ости тўқималарида суюқлик йиғилиши натижасида шиш пайдо бўлиши.

АНАСТОМОЗ – ўзаро боғланиш, уланиш, улаш.

АНАТОМИЯ – одам организмидаги орган ва системалар шакли ва тузилиши ҳамда ривожланиши ҳақидаги фан.

АНАФИЛАКСИЯ – иккинчи марта парентерал (ошқозон-ичак йўлидан бошқа усул билан) юборилган антигенга

нисбатан организмда сезувчанликни ортиши билан боғлиқ касаллик жараёни

АНАЭРОБЫ – атроф-муҳитда эркин кислород бўлмаган шароитда ҳам яшаб кўпаяверадиган микроорганизмлар; улар органик ва анорганик моддаларни парчалаб, ўзининг яшаши учун зарур бўлган энергияни ола билади.

АНГИОГРАФИЯ – қон томирларга махсус контраст моддалар юбориб, уларни рентенологик тасвирини олиш.

АНГИОКАРДИОГРАФИЯ – қон томирга контраст модда юбориш йўли билан юрак ва йирик томирлар бўшлиғининг тасвирини рентген нури ёрдамида суратга тушириш.

АНГИОЛОГИЯ – қон томирларини ўрганувчи фан.

АНГИОПАТИЯ – қон томирлари таранглиги тонусини бузилиши, *дистония* – тонус бузилиши, таранглигини су-сайиши кузатилади.

АНГИОПРОТЕКТОРЫ – томир девори ўтказувчанлигини, томирлар девори шишишини камайтирувчи ва улардаги метаболик жараёнларни яхшиловчи дори воситалари.

АНГИОСПАЗМ – қон томирлари деворларининг мускул қавати қисқариши натижасида (томирларнинг) торайиши (қисқариши).

АНГИОСТЕНОЗ – қон томирлари қавагининг торайиши.

АНГИЭКТАЗИЯ – қон томирларининг доимий кенгайиши.

АНГУЛИТ – лаб бичилиши – оғиз бурчакларида пайдо бўладиган ёриқлар ва ясси қавариқлар.

АНДРОЛОГИЯ – эркаклар сийдик-таносил органларининг касалликлари ҳақидаги таълимот.

АНЕВРИЗМА – томир ёки юрак деворининг кенгайиши.

АНЕМИЯ – камқонлик – қонда эритроцитлар ва гемоглобин миқдори камайиб кетиши ҳамда уларнинг сифати ўзгариши билан ифодаланувчи касаллик.

АНЕСТЕЗИОЛОГ – оғриқсизлантириш, наркоз ва маълум жойни оғриқсизлантириш муаммоларини ҳал қилувчи мутахассис, врач.

АНИЗОКОРИЯ – кўз қорачиқларининг бир хил катталикда бўлмаслиги.

АНКИЛОЗ – бўғимлар орасида чандиқли тоғай ёки суяк тўқимаси ҳосил бўлиши натижасида суякларни бўғим юзаси битиб, бўғимларнинг қотиб, қимирламай ҳаракатдан қолиши.

АНОМАЛИЯ – бирор орган, тўқима ёки бутун организм тузилиши ва функциясининг одатдан кўра бошқачароқ бўлиши, нормадан четга чиқиши.

АНОРЕКСИЯ – иштаҳасизлик, овқатдан юз ўгириш.

АНТ, АНТИ (*гр. anti...*) – олд қўшимча, мураккаб сўзларда зид, қарама-қарши, тескари деган маънони беради.

АНТЕНАТАЛЬНЫЙ ПЕРИОД – антинаталь давр – организмнинг пушт ҳосил бўлишидан то туғилгунгача бўлган даври.

АНТИБАКТЕРИАЛ – бактерияга қарши таъсир этувчи.

АНТИБИОТИКИ (*анти... + гр. bios – жизнь; против жизни*) – баъзи микроорганизмлар, ҳайвонлар ва ўсимликларда ишлаб чиқариладиган ва турли хил микробларнинг ўсиши, ривожланишини тўхтатиб қўядиган моддалар.

АНТИГЕН (*анти... + гр. genos – род, происхождение*) – организмга юборилганда антителалар ишлаб чиқиши ва иммунитет ҳосил бўлиб, унинг ривожланишига сабаб бўладиган ёт жисмлар, юқори молекулали оқсил табиатли коллоид моддалар (ёт оқсиллар).

АНТИДОТЫ – антидотлар – зиддизаҳарлар – организмдаги заҳарли моддаларни адсорбциялаб, зарарсизлантирувчи кимёвий моддалар.

АНТИКОАГУЛЯНТЫ – қон ивишига қарши таъсир этадиган моддалар.

АНТИПЕРИСТАЛЬТИКА – ошқозон-ичак турли қисмлари деворининг тескари томонга тўлқинсимон қисқариши.

АНТИПИРЕТИКИ – турли сабабларга кўра (асосан, касаллик туфайли) кўтарилган тана ҳароратини пасайтирувчи воситалар

АНТИРАБИЧЕСКИЕ ПРИВИВКИ (*анти... + лат. rabies – бешенство*) – одам ва ҳайвонларни қутуришга қарши эмлаш.

АНТИСЕПТИКА – жароҳатдаги микробларни йўқотиш ёки унинг сонини камайтиришга қаратилган тадбирлар системаси. Ярада пайдо бўладиган бактерияларни йўқотиш;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2294> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2294> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2294>